



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСИ — ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюковни қабул қилди



— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома бу ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Анатолий Сердюков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилади. Бу борадаги алоқалар КХШТ қамраган минтақа сарҳадларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда Ўзбекистон учун тезкор разведка маълумотларига, Россия махсус хизматларининг таҳлилий материалларига, замонавий қурол-аслаҳа ва техникага эга бўлиш имкониятлари кенгайди.

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюков 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди.**

### МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.



### ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — САЙЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИ

Тошкентда 27-29 октябрь кунлари "Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг сайлов кампаниясидаги мақсад ва вазифалари" мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларидан олтишдан зиёд вакил иштирок этган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари семинарининг асосий мавзуси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимизда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ҳамият ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини кайд этди.

Миллий телерадиокорпорацияси ходимлари жалб этилди. Анжуманда "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг конституциявий асослари", "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими: миллий ва хорижий тажриба", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ва оммавий ахборот воситалари", "Сайлов кампаниясининг оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари", "Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг асосий вазифалари", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнида маҳаллий ва хорижий қўзғатувчиларнинг иштироки", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнида хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қўзғатувчилар фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари ва маърузалар тингланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелiorация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

Учрашувда мудофаа вазирликлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳарбий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқбол, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

### ФИДОКОРЛАР ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларидан сайланган делегатлар, ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик даражаси янада ривожланиб бормоқда. Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

### МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

### МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Шов-шувли баёнот



МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад Ал-Барадеи АҚШ Президенти Жорж Буш маъмуриятининг Эрон масаласидаги нукта-назарини инкор этувчи баёнот берди.

Эслаб ўтамиз, Оқ уй маъмурияти расмий Техронни ядро қуроли яратишга уринаятликда айблаб келмоқда. Халқаро атом энергияси агентлиги раҳбари «CNN» телекомпаниясига берган интервьюсида таъкидлашча, Эронда ядро қуроли яратилаётгани тўғрисида бирор далил топилмаган.

Ал-Барадеи ўз чиқишида томонларни Эрон билан муозоралар ўтказишга ҳамда ядро дастури юзасидан яқиний хулосага келишга шошилмасликка чақирди.

АҚШда норозилик намоийшлари

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида шанба кунги кўп миң кишилик норозилик намоийшлари бўлиб ўтди. Улар Ироқда олиб борилаётган харбий амалиётларнинг тўхтатилишини талаб қилишмоқда. Намойишчилар кўтариб олган плакатларда мамлакат маъмурияти ҳескин танқид остига олинган. Намойиш ташкилчиларининг билдирлишиларича, митингга 30 миңгача киши оқим иштирок этган.



Ишонч билан айтиш мумкин, бу баъзи намоийшчиларнинг қўлидаги плакатларда мамлакат маъмурияти ҳескин танқид остига олинган.

Жангарилар талафоти

Туркия ҳарбийлари мамлакат жануби-шарқида 15 нафар қурд жангарисини йўқ қилган.

Бу ҳақда «Dogan» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ҳарбий амалиётларнинг тафсилотлари ҳақида ҳозирча бирор маълумот йўқ. Маҳаллий матбуот хабарларида таъкидланишича, айни пайтда мамлакатнинг Ироқ билан чегара ҳудудига 150 миң кишилик ҳарбий бўлинмалар жойлаштирилган.

10 миллион евролик зарар

Германияда темир йўлчиларнинг оммавий иш ташлаши «Deutsche Bahn AG» компаниясига 10 миллион евро миқдорда зарар келтирди.

Бу ҳақда темир йўл компанияси вакили журналистларга маълум қилди. Темир йўл ходимлари иш вақтининг 40 соатгача камайтирилиши ва маошларини 31 фоизга кўтаришни талаб эттиришмоқда. Иш ташлаш кунги 2,7 миллион йўловчи ўз манзилларига белгиланган вақтда етиб бора олмади. Манбада келтирилишича, компания раҳбарияти қасаба уюшмаси билан ўтказган музокаралари ҳақида ходимларнинг олийк маошларини кўтаришга розилик билдирган.

Дастлабки натижалар

Аргентинада президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакатнинг амалдаги президенти турмуш ўртоғи Кристина Фернандес де Киршнер 43 фоиз овоз билан олдинда бормоқда. Унинг рақиблири Элиса Каррио 21 фоиз, Роберто Лаванья 19 фоизлик натижага эришган. «Фуқаро коалицияси» вакили Элиса Каррио сайловда мағлубиятга учраганини тан олиб, Киршнер хонимни ғалаба билан табриклади.


Серхаражат тафтишчи

Буюк Британия Миллий молия-тафтиш бошқармаси бошлиғи Жон Борн келгуси йилнинг январь ойидан истефого чиқмоқда. Матбуотда унинг шахсий ҳаракатлари кўпайиб кетгани танқид қилингандан сўнг у шундай қарорга келган бўлса, ажабмас. Журналистларнинг ёзишларича, Борн сўнгги уч йил мобайнида дунё бўйлаб саёҳат қилиш учун 365 миң фунт стерлинг ишлатган. Шундан 27 миң фунт стерлинг ресторанларга сарфланган. Борн амалдорларга қарам бўлмаслиги учун унинг маоши 159 миң фунт стерлинг қилиб белгиланган. Мамлакатнинг 73 ёшли бош аудитори Жон Борн бу лавозимда 19 йилдан буён ишлаб келмоқда.

«Толибон»ларга қарши ҳаво ҳужуми

Афғонистоннинг Гилменд музофотида иттифоқчи қўчалар томонидан ўтказилган ҳарбий амалиётлар чоғида «Толибон» ҳаракатининг 80 нафар жангариси йўқ қилинган. Жангариларга қарши ҳаводан туриб ҳужум қилинган. Манбада келтирилишича, мазкур музофотда сентябрь ойидан буён 200 нафарга яқин жангари ўлдирилган. Гилменд мамлакатдаги гилменд моддалар етиштирувчи асосий марказлардан бири ҳисобланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бозор иқтисодиёти, таъбир жоиз бўлса, инсонларнинг тафаккурини ҳам ўзгартириб юборди. Эндиликда улар ҳисоб-китобни пухта қиладиган бўлиб қолдилар. Пулларини сарғайтириб сандиқда сақлашдан кўра, бу маблағларнинг ҳаракатда ва баракатда турганлигини хуш кўришмоқда. Албатта, одамларнинг бу соҳадаги маънавий юксалишларида банк тизими ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

БОШ МЕЗОН — ИНСОН МАНФААТИ

Банклар орасидаги рақобат эса одамларни янада хушёр тортирди. Энди улар пулларини қайси банкда сақлаш қулай ва самарали эканлиги ҳақида ҳам ўйлай бошладилар. АТ «Пахтабанк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси айнан шу нуктада «отни қамчилаб» қолди. Хусусан, банк бўлимидаги рақобатнинг омонатга жалб қилиш бўйича олиб борилган пухта ишлар ўз самарасини берди. Мисол учун, 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, омонатлар қолдиги 4862 млн. сўмга етди. Омонатлар бўйича белгиланган режа юз фоизга бажарилди.

Табиийки, шу ўринда савол туғилади: бошқарма эришган бундай муваффақиятларнинг боиси нимада эди?

Энг аввало, улар асосий эътиборни мамлакатимиз раҳбарининг банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга доир фармон ва қарорларида кўйилган вазифалар ижросига қаратди. Қолаверса, Марказий банк ва республика «Пахтабанк»и томонидан белгиланган ярим йиллик параметрлар уларга суянч ва таянч бўлди.

Хўш, бошқарма ва унинг тумандаги бўлиmlари учун мадад бўлган омиmlар нималар эди ва улар таракқийнинг барқарор йўлига қандай тушиб олишди? Албатта, бундай омиmlар анчагина. Аммо бу омиmlарнинг аввалида тўлов пластик картчаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ўстириш, банкوماتлар ва терминаллар сонини кўпайтириш борасидаги хизматлар туради.

Бу борада банк ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жиддий аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, туман бўлиmlари кассаларига ва нақд пул билан савдо қилувчи миқозлар учун жами 181 та терминал ўрнатилди. Бошқарманинг туман филиаллари томонидан жами 54179 та пластик картчалар тарқатилган. 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, пластик картчалар ҳисоб рақамларидаги жами қолдиқ 668 млн. сўмни ташкил этди.

сўмлик узоқ муддатли банк кредитлари берилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилалари моддий ва маънавий қўллаб қувват-

Қарор ва ижро

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш мақсадида 108 та ёш оилаларга 230,3 млн сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

АТ «Пахта банк»нинг Хоразм вило-

филиалидаги «Дўстлик» фермер хўжалиғига 85 млн. сўмдан, жами 385 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилиб, эвазига «CLAASS» русумли комбайнлар олиб берилди. Таъминот ва тайёрлов корхоналарига эса 1308,9 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса Т-80-11 русумли 50 та трактор ва тиркама сотиб олиш учун асос бўлди.

Хозирги кунда бошқарманинг минибанклари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз кассаларига савдо ташкилотларидан, фермер, деҳқон хўжалиқлардан, аҳолидан коммунал тўловларга ва банк омонатларига

2007 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоят минибанкларида жами 8067 миқоз ўз ҳисоб рақамларини очган. Уларнинг 7678 нафарини фермер хўжалиқлари ташкил қилади. Натижада минибанкларнинг молиявий фаолияти ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиги 4243,6 млн сўмни ташкил этди. Шундан 3551,2 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари, 692,4 млн. сўми эса бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардир. Ажратилган кредитлар самараси натижасида кичик бизнес субъектлари томонидан 882,8 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 1030 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Еш оилалари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан, бошқарма ва унинг туман бўлиmlарида ёш (30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган) оилалар учун имтиёзли равишда истеъмол, микрокредит ва ипотека кредитлари жорий қилинди. Унга асосан, ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмаган миқдорда – микрокредит, сотиб олинмаётган кўчмас мулкни гаровга олиш орқали уй жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун – ипотека кредити ҳамда молиявий истеъмол кредитлари бўйича 6 ойлик имтиёзли давр белгиланган. Шунга мувофиқ, 2007 йил 9 ойи мобайнида «Агро-минитек» кўرғазмасида кичик ишлаб чиқариш уюшмалари ўрнатилиш бўйича шартнома имзоланган 9 та миқознинг 200 млн. сўмлик лойиҳаси тўлиқ молиялаштирилди. Ушбу маблағлар, асосан, нор ишлаб чиқариш цехи, пластик дезералар, сalfетка ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш линиясини йўлга қўйиш учун йўналтирилди. Шунингдек, вилоят миқдосидаги «Хоразмга сармояларни кенг-роқ жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт саноатини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш» дастури ижросини таъминлаш мақсадида 3 та лойиҳага 110 млн. сўмлик банк кредитлари ҳам берилди. Қолаверса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 65,8 млн., Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларга жорий йилнинг 9 ойи давомида 420 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.



яти бошқармаси жамоаси миқозлар сонининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда янги корпоратив миқозларни жалб қилиш мақсадида ҳам шу давр мобайнида қатор ижобий тадбирларни амалга оширди. Миқозлар сони 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14930 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 15489 нафарга етди.

Таъкидлаш жоизки, бу банк миқозларининг катта қисми қишлоқ хўжалиғи соҳаси билан бевосита боғлиқдир. Табиийки, қишлоқ хўжалиқ корхоналари молиявий қўллаб-қувватлаш банк ходимларининг бирламчи вазифасига кирилади. Шу мақсадда 2007 йил пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштиришлари учун жами 7861 та фермер хўжалиғига 29585 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, фермер хўжалиқларини моддий-техника базасини кенгайтириш, уларни замонавий қишлоқ хўжалиқ техникалари билан таъминлаш ҳам бошқарма жамоасининг диққат-маркази бўлди. Хива филиалидаги «Султонхўжа», «Раҳаббой Туркман» ва «Санжарбек» фермер хўжалиқларининг хар бирига 100 млн. сўмдан, Қоровул

нақд пул қабул қилиш бўйича бирмунча ижобий ишларни амалга оширди. Айни вақтда, вилоятда 73 та минибанк фаолият кўрсатмоқда. Минибанклар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят бошқармаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан қўзланган асосий мақсад минибанкларда миқозлар базасини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларига кирувчи хўжалиқ субъектлари ҳамда янгидан ташкил этилган фермер хўжалиқларини банкка кенг-роқ жалб этиш, уларга сифатли банк хизмати кўрсатишни кенгайтиришдан иборатдир. Шу тўғрисидаги Фармонида асосан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларга жорий йилнинг 9 ойи давомида 420 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Хуллас, АТ «Пахтабанк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси туманлардаги филиаллари билан ҳамкорликда энг илтимон қилиб, Эндиликда банк уларнинг оғирини енгили, мушкулларини осон қилмоқда. Қисқача айтганда, турмушнинг барча чорраҳаларида ўз миқозлари билан бақамти ҳаракатланмоқда.

Ш. ЖўРАЕВ. [



«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «1-сонли Энергомонтаж поезди» 2000 йил ИСО 9001 Сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузишга танлов эълон қилади. Танлов муддати— эълон чоп этилгандан бошлаб 25 кун. Маълумот учун телефонлар: 179-96-80, 179-95-01, факс: 279-85-21.

КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ омбордан сотади ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2 Электродвигателларни ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан-1,0мм гача Махсулот сертификатланган Тел.: 267-37-62, 267-47-65

Ғамхўрлик оғушида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилояти бўлими жамоаси яқинда яна бир савобли ишга қўл урди. КониMex туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалиғида яшовчи иқтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 78 нафар яқна-ёлғиз ногирон тиббий қўридан ўтказилиб, бепул дори-дармонлар билан таъминланди. Шунингдек, Нурота ва Хатирчи туманлари, Зарафшон ҳамда Навоий шаҳрида яшовчи 20 нафар ногирон болага моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!» Республика кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Суд департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги мулклар кўйилмоқда: 1. Андижон вилояти хўжалиқ судининг 2006 йил 4 апрель № 17-0610-631-сонли ижро варақасига асосан, Андижон тумани суд ижрочилари бўлимига таъминдан хатланган, Андижон тумани 2-хўжалиқ КФЙ, Гузар маҳалласида жойлашган 2 қаватли савдо дўкони Бино-ишчиотлари ва 2832,29 кв.м. ер участкаси билан, бошланғич баҳоси — 85875000 сўм. 2. Андижон вилояти хўжалиқ судининг 2007 йил 23 июлдаги № 17-0708-4579-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Андижон шаҳар Саноат кўчаси 284-уйда жойлашган Б-51-литерлардаги омборхона биноси, қурилиш майдони 390,08 кв.м., бошланғич баҳоси — 53044062 сўм. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 15, 22, 29 ноябрь ва 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари соат 11-00 да, ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган мулклар билан Суд департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари Андижон шаҳар, Навоий шохкўчаси, 30-уй, Давлат мулк кўмитаси вилоят бошқармаси биноси 1-қават, 105-хонада жойлашган савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО: 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 16 ноябрь кун соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қуйидаги автотранспорт воситалари қайтадан қўйилмоқда. 2006 йил 30 январдаги 1668/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Зағзига тумани ҳудудидидаги «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11700-70 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-212» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 924 000 сўм. 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30055-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 132 000 000 сўм. Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун хариддорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Ариза ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишигиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонхоёр тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Газетада босилмади, аммо... Тахририятимизга Чирочки тумани Наврўз қишлоғида истиқомат қилувчи К. Расулова мурожаат қилиб, ўғлининг йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вафот этгани, бироқ бу жиноятни содир қилган фуқарога нисбатан чора қўлланмаётгани ҳақида шикоят хати йўллаган эди. Мазкур ариза юзасидан Қашқадарё вилояти прокуратурасидан расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади: Қўшимча тергов ўтказилади «Ушбу ҳолат юзасидан ўтган йили Чирочки тумани ИИБ ТБ терговчиси Д. Расулов томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши қўзғатиш рад этилган. Вилоят прокуратураси томонидан тўпланган ҳужжатлар назорат тартибда ўрганиб чиқилганда, терговчи томонидан тўлиқ текшириш ҳаракатлари олиб борилмасдан, ариза муаллифининг барча вақлари текширилмасдан қарор қабул қилинганлиги аниқланди. Шу йил 8 август кун жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бер-

Қўшимча тергов ўтказилади «Ушбу ҳолат юзасидан ўтган йили Чирочки тумани ИИБ ТБ терговчиси Д. Расулов томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши қўзғатиш рад этилган. Вилоят прокуратураси томонидан тўпланган ҳужжатлар назорат тартибда ўрганиб чиқилганда, терговчи томонидан тўлиқ текшириш ҳаракатлари олиб борилмасдан, ариза муаллифининг барча вақлари текширилмасдан қарор қабул қилинганлиги аниқланди. Шу йил 8 август кун жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бер-

**Сўзламоқ ҳам, сўзловчини тингламоқ ҳам аслида бир санъат. Бу санъат ҳар иккала ҳолатда ҳам маълум мезон ва меъёрга амал қилмоқни талаб этади. Шунинг назарда тутиб пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Жим ўтиргандан фойдали гап яхши, бейфойда гапдан сукут сақламоқ яхши».**

# БИР СЎЗ ДЕГИЛКИ...

Ақлли одам аввал оқибатини чуқур ўйлаб сўнгра сўзлайди, бирор мулоҳаза ё хулосасини ўртага ташламоқдан олдин сўзини ақл тарозисига ўлғайди, пиширади, бундан кўнгли тўлса, тилга чиқаради. Сўхбатларда сўзни тоғиб, чертиб-чертиб, ўз ўрнида ишлатиш мумкин. Чунки, гапиришдан бурун сўзлар инсон ихтиёрида бўлур, гапириб қўйгандан сўнг эса инсон сўзининг ихтиёрига ўтади. Отилган ўқни ортага қайтариб бўлмаганидек, айтилган сўзни ҳам қайтариб бўлмайди.

**Сўз ичра мудома ақл яширидув,**  
**Сўз чимладиғу ақл келидув**  
дейди Носир Хисрав. Бунинг мазмуни шуки, кишининг билими, маданият савияси, ақл-идроки, ахлоқи унинг сўзларида акс этади. Сўзининг муваффақият ёки маглубияти унинг қай мақсада, қай оҳангда айтилиши билан белгиланади. «Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир этади», дейди ақли до-нишлар. Юсуф Хос Ҳоҷиб ҳам бизни шундан огоҳ этиб, XI асрдаёқ айтади қолдиришлар:

## Мутолаа

**Сўзинг эҳтиёт қил бошиг кетмасин**  
**Тилинг эҳтиёт қил тилинг синамасин.**  
Сўзининг таъсир кучи баландларвоз оҳангда кўп гапиришда эмас, балки маъноли ва оз гапиришдадир. Чунки меъёридан ошган сўзининг қадри пасаяди, таъсир кучи йўқолади. Натҳажа тингловчи толиқад ва сўхбатдошидан безиб қолади.

«Ширин сўз — жон озиғи», деймиз. Юмшоқ тарзда айтилган ҳар сўзининг сеҳри бордир, у тингловчининг дарров ўзига ром этади, руҳиятини кўтаради. Ширин сўз ҳам-ғуссани кўнглидан ари-диди, хайрли ишларга даъват этади, инсонга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Зеро, қўпол ва ачиқ сўзлар бунинг аксидир.

Аслида ширин сўз ҳам, аччиғи ҳам бир оғиздан чиқади. Бир тилда айтади. Шунинг унутмаслик жонки, кайфиятнинг ёмонлиги ёхуд бошқа бир сабаб ўзгаларга дағал муомалада бўлиш ҳуқуқини бермайди! Қаерда қандай сўзлаш кераклигини ҳар бир киши яхши билимоқ лозим. Акс ҳолда катта давралар сўхбатда ноқоши сўзи билан уятга қолиш ҳеч гап эмас. Бу инсоннинг обрўсини туширади, қадрини пасайтиради.

Худди шунга доир бир воқеани эсламан. Кўчондаги бир тўйда Ҳабибий домлани ҳурмат-иззат қилиб, сўпдаги ҳофизлар ёнига ўтказиб-дидлар. Кўй-қўшиқ бошлангиди. Маҳаллий ҳофизлар хали у қўшиқни, хали бу қўшиқни кўйлашаркан, ўртадаги сатрлар чалқашиб бораётганини Ҳабибий домла сезиб қолди билар. «Ахир ашула сўзлари бузиб айтилса, мазмунига пугур етади-ку», деб ўйлабдилар ва буни ёнидагиларга айтишдан истаҳола этиб сабр қилибдилар. Бир вақт Фузूलӣ газали билан айтиладиган қўшиқ бошлангиди.

**Кўзи ёшлагарни ҳолин на билсун**  
**мардуму гонил,**  
**Кавоббаз сайрини шабтоилдан**  
**безор ўландан сўр...**

Қўшиқ сўзларини бузиб айтётган ҳофизлардан жаҳли чиққан Ҳабибий домла шартта ўрни-ларидан туриб тўйхонадан жўнаб қолди билар.

Биз гоҳида тўй ва маросимларда бўлсак, у ердаги ўртақашларнинг баъзи бир Ҳадисларни ё ривоятларни бузиб, устига ўзларидан қўшиб-чатиб, яъни тўй қўлвчининг феъл-аъворига мос-лаб айтётганликларини сезиб тураемиз. Аммо бирортамиз уларнинг ёнига бориб «Хой, биродар халқ тилидан ўтиб келатган қимматли ме-росимизни эл-улусга бузиб қўратишга нима ҳаққингиз бор?» демаймиз. Сабаси тўйдаги хуш-худ кайфиятни йўққа кичиргимиз келмайди.

Шунинг сингари кичилар ўртасида бахсла-шиш маданияти ҳам икки омилга асосланади. Булар томонларнинг ўзаро тенг манфаатдорлиги ва му-аммоларнинг сидқидилдан осойишталик билан муҳокама қилинишидир.

Демак, ҳар қандай сўхбат, баҳсининг муваффа-қияти унинг иштирокчиларининг ўзаро ҳурмат ва самимийлиги билан белгиланади.

Иззат ва обрў тиланган киши давраларда ав-вал ўйлаб, кейин сўзлайди. Баҳс-мунозарага ки-ришишдан олдин ўз фикрини ақл элагидан ўтқа-зади, ундан сўнггина тилга чиқаради. Шунинг-дек, у сўхбатдошининг гапини охиригача тинг-лайди, сўхбат ва мунозара вақтида одобни бой бермай, вазминлик билан иш тутайди. Зеро, бе-сабрлик ва шожалоқлик бахслашиш мадания-тига зиддир. Бу ҳусусда Луқмони ҳажим шундай дейди:

«Эй, ўғил, нодон ва жоҳил бир киши сен билан бирор масалада баҳслашиб қолса сен унга мулоиймлик билан жавоб бер. Агар у сен-нинг жавобларингдан қаноатланмай жаҳли чиқа бошласа, сўзингни қайта тилга олма, у билан гап талашиб ўтирма, сукут қил».

Ҳар киши ён-атрофидогиларининг кўнгли ола-мига ўз сўзи билан кириб боради, кўнглиларини сўзи билан забот этади. Шундай экан, чиройли ва ширин лутфли бўлайлик, токи аччиқ ва но-ўрин айтилган сўзимиз билан кўнглиларга озор етказмайлик. Биз яхши сўзимиз билан ўзимиз-га хайкал қўйишимиз ҳам ва аксинча ўз номи-мизга, ўз шаънимизга доғ туширишимиз ҳам мумкин. Шу охиригидан сақланайлик.

Фирдавсий айтганларидек,  
**Бизлар бир ўтқинчи жаҳон барқарор,**  
**Одаломтдан фақат сўз қолур ёдоғ.**

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,**  
**республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи,**  
**уруш ва меҳнат фахрийси.**



## Шаҳрихон — ҳунармандлар шаҳри

Дарҳақиқат, бу жой номи қўшиб айтила-диган пичок ҳамда бешиклар нафақат мам-лакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам ниҳоятда қадрланади. Чунки бу бешиклар ҳунармандчилик буюмларини тайёрлаш усули ва сирлари неча юз йиллардан буён авлод-дан-авлодга ўтиб келаяпти.

Бешикчилик «Абдусамат» маҳалла фуқаро-лар йиғини худудиде яшовчи Сирожиддин ва

Миносиддин Абдураимовларга отақасб. Айни пайтда ака-ука ҳунармандлар томонидан бе-шикдан ташқари, осма белан-қак, болалар ара-вачалари ҳам тайёрланади.

**СУРАТДА:** ака-ука бешикчилар Сиро-жиддин ва Миносиддин Абдураимовлар.

**Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.**

Обуна 902 индекс билан «Матбуот тарқатувчи» АЖ ва «Ўзбекистон почтаси»нинг барча бўлимларида ҳамда тахририят билан туғридан-туғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади



## Республика суд-ҳуқуқ идораларининг «HUQUQ VA BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий, ойллик, рангли, оммабоп журналига обуна бўлинг!

Тахририят манзили: Тошкент ш., Сайёғоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 133-96-17. Факс: 133-68-26.

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газевейс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуқуқсозларга расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатиға 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:  
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») базори, sanoat моллари катарида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.  
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски хайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

## Спорт • Sport • Спорт

Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари 2010 йил Жануарда Африка Республикасида бўлар-лаш жаҳон чемпионатиға илк сая-ятли яқунлади.



## Биринчи довоп забот этилди

Эсингизда бўлса, фут-болчиларимиз яқинда пой-тахтимиздаги МХСК стадио-нида Хитой Тайпейи тер-ма жамоасини 9:0 ҳисобида доғда қолдиришганди.

Куни кеча Тайпейда ўтқа-зилган жавоб ўйинида ҳам юртдошларимиз галаба (2:0) қозониб учинчи босқинға йўл олишди. Тўларни Ислон Иномов (79) ва Илхом Сую-нов (90)лар киритишди.

Осиё футбол конфедера-цияси (ОФК) томонидан иш-лаб чиқилган регламентга-биноан жаҳон чемпионати-нинг биринчи саралаш бос-қичидан муваффақиятли ўтган ўн тўқизта терма жа-моа орасида ФИФА рейтинг-ида юқори ўринларни эғла-лаб турган ўн биттаси туғри-дан-туғри учинчи босқинда қатнашади. Қолган саккиз терма жамоа эса иккинчи босқинда яна ўзаро куч синашади.

## Йўлланмалар учун кураш



Чикаго (АҚШ) шаҳрида ҳаваскор босқинлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпио-нати қизғин бешлашуларға бой бўлмоқда.

Пекинда бўладиган ёғзи Олимпиада ўйинларига йўллан-ма берувчи мазкур нуфузли турнирда дунёнинг 117 мамла-катидан келган босқинлар иштирок этмоқда.

Мусобақаларда ҳамюртларимиз Бекзод Хидиров (60 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Баҳодир Султонов (57 кг.) ва Аббос Атоев (81 кг.) муваффақиятли қатнашишмоқда.

Бекзод Хидиров янги эландайлик Ангус Доналдсонни 29:9, Элшод Расулов венгриялик Сэки Иствонни 22:3, Баҳодир-жон Султонов эса ҚХДР босқинси Рёнг Сонг Ханн 31:8 ҳисобида маглуб этиб, учинчи босқинға йўл олди.

Кураъ натажаларига кура, асосий даврдан баҳсга ки-ришган босқинимиз Аббос Атоев (81 кг.) руминиялик Кон-стантин Беженарунини учинчи рундада ноқуат ҳолатига тушириб мударатдан олдин галаба қозонди.

## Федерациялар сони кўпайди

27-28 октябрь кунла-ри Мўғулистонда мил-лий спортимиз — кураш бўйича VI жаҳон чемпио-нати бўлиб ўтди.

Чемпионат доирасида Ку-раш халқаро ассоциацияси иж-роқум Йиғилиши ва набатда-ли конгресси ҳам ўтказилди. Ижроқум йиғилишида келаси йили ёшлар ўртасида ташкил-лаштириладиган жаҳон чемпио-нати жойи, мусобақаси тар-

тиби ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишида Туркия давлати кўччилик овоз билан 2008 йили ёшлар ўрта-сида бўладиган жаҳон чемпио-нати мезонлигини қўлга киритди. Конгрессда ҚХАга аъзо бўлиш истагини билдир-ган давлатлар тақлифи ўрған-иб чиқилди ва янги аъзолар қабул қилинди. Шундай қилиб, кураш оиласига аъзо давлат-лар сони 94 таға етди.

## Журналистлар футболли

Футбол фидойиси Олимпон Ақбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболли» газеталари газети ҳодимлари ўртасида ўтказилган мини-футбол турнири голиб ва соврин-дорлари номи маълум бўлди.



Таъкидлаш лозимки, уч йилдан буён аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган ушбу турнир мамлакатимиз қалам аҳли вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқала-рини мустақамлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни мусобақа иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам исботлаб турибди.

III аънаваний мусобақада 18 та жамоа иштирок этди. Жами, 40 та ўйин ўтказилди. Дарвозаларға 268 та тўп киритилди. Мусобақа доирасида Ўзбек миллий академик театри ва Муқимий номдаги мусликали драма театри жамоалари ўртасида ҳам ўртоқлик учрашуви уюштирилди.

Бир ҳафта давом этган мусобақа финалида МТРК ва «Наврўз FM» жамоалари майдонға тушдилар. Унда 4:2 ҳисо-бида телевидение вакиллари галаба қозонишди. Учинчи ўрин «Маърифат» газетаси жамоасини 4:2 ҳисобида маглуб этган «Ўзбекистон футболли» хаваскор футболчиларига насиб этди.

Зайдулла ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Воҳидов ўқишлари

Урганч шаҳрида «Хирургияда янги технологиялар» мавзусида «Воҳидов ўқишлари — 2007» республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуман республика Соғлиқни сақлаш вазир-лиги ҳамда академик В.Воҳидов номдаги рес-публика ихтисослашти-рилган хирургия маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Анжуман

Унда иштирок этган олимлар ва шифокорлар қизилўнган, кўкрак, қорин бўлиғи аъзолари, юрак-қон томири патологияси

каби ихтисослашган хи-рургияда янги техно-логияларни қўллаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари, мавзуга доир кўнлаб маърузалар-ни ҳам тингладилар.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

**GAZ-3221,**  
Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

**GAZ-31105, «ВОЛГА»**

**GAZ-33023 «Фермер»,**  
юк кўтариши — 1,5 тн.,  
6 ўриндиқли

**GAZ-32214 (4x4)**  
«Таз ёрдам»

**GAZ-3307, 40 та**  
газ баллонлари ташувчи

**GAZ-2705, 7 ўриндиқли**  
металл билан қопланган фургон,  
юк кўтариши — 1,3 тн.,  
3 ёки 7 ўриндиқли

**GAZ-3309 Турбодизель**  
юк кўтариши — 4,5 тн.,  
2 ўриндиқли

**GAZ-3307**  
Автовакуатор

**GAZ-3302, нон ташийдиган,**  
лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

**«ОМСКШИНА» ОАЖ**  
АВТОШИНАЛАРИ  
ТОШКЕНТДАГИ  
ОМБОРДАН  
СОТИЛАДИ.  
Тел.: 300-29-59

Махсуслот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙРУМЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, sanoat моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустоҳоналар, бурғулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билборлар, автовакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА**

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.  
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлариди:  
126-12-04, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

## Халқ сўзи Народное слово

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тугиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орплов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қўтқабдинов.  
Навбатчи — З. Жонбеков.  
Мусахҳах — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетачилар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 01.35 Тошхирлиди — 02.30 2 3 4 5 6